

YURIDIK AHAMIYATGA EGA HUJJATLARNING QONUN HUJJATLARIGA
MUVOFIQLIGI TO'G'RISIDA

HUQUQIY XULOSA

1. Loyihaning turi : Shartnoma.

2. Loyihaning nomi: Telefon xizmati bo'yicha

«O'zbektelekom» AK Qashqadaryo filiali Qamashi TTB va Qamashi tuman Xalq ta'lim bo'limi o'rtasida telefon xizmati ko'rsatish bo'yicha 8-sonli shartnoma loyihasi.

3. Loyiha ishlab chiquvchisi va kiritilgan sana haqidagi ma'lumot: Qamashi tuman Xalq ta'lim bo'limi tomonidan ishlab chiqilgan va dasturga kiritilgan

Loyiha amaldagi qonun hujjatlariga muvofiq ishlab chiqilgan va uni tuzish maqsadga muvofiq.

Markaz bosh yuriskonsulti



B.Ro'ziyev

Юридик шахслар ва юридик шахс мақомига эга бўлмаган хусусий тадбиркорларга телефон алоқаси
хизматларини кўрсатиш бўйича

ШАРТНОМА № 8

Қамаши. ш

2022 йил « 24 » 01

«Ўзбектелеком» АКнинг Қашқадарё филиали номидан бундан буён «Оператор» деб аталувчи,
«Ўзбектелеком» АК Қашқадарё филиали Қамаши ТТБ
(операторнинг номланиши)

Ўзбекистон Республикаси алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари давлат қўмитаси
(лицензия берган ташкилотнинг номи)

томонидан берилган лицензия ва низом асосида фаолият кўрсатувчи
Бошлик А.Бердимуродов

(раҳбарнинг мансаби, исм-фамилияси)

тимсолида бир томондан,

Юридик шахс.

Бюджетдан маблағ олувчи ташкилот номи:

Қамаши ДТБ

Манзили.

А.Ташкур йўли

Раҳбар

Н. Абдушев

бундан кейин «Абонент» деб номланувчи иккинчи томондан қуйидаги шартномани шу ҳақда туздилар:

1. ШАРТНОМА ПРЕДМЕТИ

Оператор телефон алоқасининг универсал (асосий) ва қўшимча хизматларини кўрсатиш, Абонент эса мазкур хизматлардан фойдаланиш, ҳамда хизматлар учун ҳақ тўлаш мажбуриятини олади.

1.1. Абонент тоифаси - бюджет

1.2. Абонент 2022 йилда бюджетдан маблағ олувчи ташкилотига курсатилган алоқа хизматлари учун қуйидаги график асосида ҳақ тулашни уз зимасига олади Жумладан:

Йил	1-чорак	2-чорак	3-чорак	4-чорак	Жами бир йилда
2022 Бюджет ҳисобидан	23999,76				23999,76
Жами:	23999,76				23999,76

Жами 2022 йил учун:

Ўзгаришлар уз зимаси туғрисида 103 туқсон туққуз асри етмиш олти тийин

1.3. Бюджет ташкилотининг йил давомида смета харажатларига киритиладиган ўзгаришлар доирасида хизмат курсатувчи, хизмат олувчи ва хизмат ҳақини туловчилар томонидан узаро келишилган ҳолда шартнома суммасига ўзгаришлар киритишга ҳақлидирлар.

2. ОПЕРАТОРНИНГ ҲУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

2.1. Операторнинг мажбуриятлари:

2.1.1. Белгиланган сифат даражасида телефон алоқаси хизматларини ўз вақтида кўрсатиш.

2.1.2. Оммавий ахборот воситаларида, Интернет, аҳоли гавжум жойларда, эълонлар бериш ёрдамида корхона фаолияти, янги АТС ларни ишга тушириш, янги хизмат турлари, телекоммуникация хизматлари учун белгиланган тарифларнинг ўзгариши ва бу хизматларни кўрсатиш тартиблари ҳақида хабар бериш.

2.1.3. Универсал хизматларга тарифлар ўзгарганлигини камида 15 кун олдин оммавий ахборот воситаларида эълон қилиш.

2.1.4. Абонентнинг айбисиз телефон алоқаси бузилганда абонент томонидан таъмирлаш бюросига талабнома тутилган вақтдан бошлаб абонент ускунаси ишламаган кунлар учун абонент тўловларини қайта ҳисоблаб чиқили. Қайта ҳисоб-китоблар маълумот рўйхатга олинган кундан эътиборан соат 00.00 дан бошлаб тўлик суткалар учун амалга оширилади. Техник сабабларга кўра абонент рақамининг ўзгаришини камида 10 кун олдин абонентга ёзма равишда маълум қилиш. Ўрнатилган тартибда маҳаллий телефон сўзлашувлари тўғрисидаги маълумот-расшифровка (детализация)ни қўшимча тўлов эвазига Абонентга бериш.

2.1.5. Абонент томонидан сотиб олинган телематик хизматлар (телефакс, телекс, ведеотеке ва ҳоказолар)нинг охириги ускуналарини шартномага қўшимча киритган ҳолда (8-бўлимга биноан) рўйхатдан ўтказиш.

2.1.6. Оператор, шунингдек, «Умумий фойдаланишдаги телекоммуникация тармоқларида телефон алоқаси хизматларини кўрсатиш қоидалари»да белгилаб берилган бошқа бир қатор мажбуриятларга ҳам эга (бундан кейин матнда «Қоидалар»).

2.1.7. Оператор курсатилган хизматлар ҳисоб-варак фактураларини хар ойда бюджет ташкилотига тақдим этиб бериш мажбуриятини олади.

3.15. Телекоммуникация хизматлари учун тўловлар, нақд пулсиз бюджет ташкилотининг харажатлар сметасида кўзда тутилган маблағлар доирасидан чиқмаган ҳолда мазкур шартноманинг 1.2. бандидаги бюджет ҳисобидан туланилган каторида кўрсатилган сумма асосида ҳар чоракнинг учдан бир қисми доирасида ойма-ой туловни амалга оширади.

4. ХИЗМАТЛАРГА ҲАҚ ТЎЛАШ

4.1. Абонент смета харажати маблағлари доирасида шартноманинг 1.2 бандига биноан ҳар ойнинг 15-санасигача жорий ой учун олдиндан 100% тулов топшириқномасига асосан хизмат ҳақини тўлайди, сметада ажратилган маблағлардан ортиқча кўрсатилган хизмат учун бюджет ташкилоти узининг махсус ҳисоб-рақамидан туланиши уз зимасига олади.

4.2. Маҳаллий, шаҳарлараро ва халқаро телефон алоқаси учун тўловлар:

- олдиндан тўлов (бунак) йўли билан амалга оширилади.

4.3. Олдиндан бунак тарикасидаги тўловлар камида 1 ой олдин, лекин 12 ойдан кўп бўлмаган муддат учун амалга оширилиши мумкин.

4.4. Телефон алоқаси хизматлари учун олдиндан тўланган бунак суммаси операторнинг биллинг тизими томонидан куйидаги кетма-кетликда тақсимланиб тўланади:

- абонентлик тўлови ва қўшимча хизмат турлари;

- ҳисоблагичлар;

- шаҳарлараро ва халқаро сўзлашувлар.

Ушбу бандда кўрсатилган хизматларга тарифлар ошган тақдирда, улар бўйича ҳисоб-китоблар бунак суммаси тугагунга

қадар амалда бўлган аввалги тарифлар бўйича амалга оширилади. (Агар бу хизматлар бўйича тўловлар универсал хизматларга тарифларнинг ўзгариши тўғрисида эъдон берилишидан олдин амалга оширилган бўлса).

4.5. Маҳаллий сўзлашувлар (вақтбай асосида тўлов тизими жорий этилганда), шаҳарлараро ва халқаро телефон алоқасидан фойдаланганлиги учун тўлов ҳисоб варағига асосан (ахборот узатиш ва телематик хизматлардан фойдаланилганлиги учун тўловлар ҳам шунга киради), ҳисоб варағида кўрсатилган санадан бошлаб 3 банк куни ичида амалга оширилади.

4.5.1. Ҳисоб-китоб қилинган ойдан кейинги ойнинг 10-санасигача абонент «Оператор»нинг абонентлар бўлимига кўрсатилган телекоммуникация хизматлари учун ҳисоб-варақ фактурасини олиш учун келиши керак, кўрсатилган муддатда келмаган тақдирда телефон ўрнатилган тартибда ўчириб қўйилади.

4.5.2. Абонент хоҳишига кўра оператор шаҳарлараро ва халқаро сўзлашувлар бўйича маълумот (расшифровка) ни электрон вариант(файл ҳолати)да бериши мумкин.

4.5.3. Абонент шаҳарлараро ва халқаро сўзлашувлар бўйича маълумотни такрорий сўраган ҳолларда ундан қўшимча равишда 300 сўм, агар электрон вариант(файл ҳолати)да бўлса 100 сўм (ҳар бир компьютер варағи учун) олинади. Мазкур тўловлар алоқа хизматлари тарифлари ўзгарганида қайта кўриб чиқилади.

4.6. Белгиланган муддатда алоқа хизматлари тўловлари тўланмаса, телефон ўчириб қўйилади, бунда оператор шартномани бекор қилиш ва Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонушларига мувофиқ қарзларни ундириб олиш ҳуқуқига эга.

Агар Абонент ҳисоб-китоб давридан кейинги 2 ой давомида телекоммуникация хизматлари учун, шу жумладан, телефон ўчириб қўйилган вақт учун қарзларини тўламаса, Оператор «Абонент» билан келишилган ҳолда шартномани бекор қилиш ва қарзларни ўрнатилган тартибда ундириб олиш ҳуқуқига эга. Қайтадан телефон ёки бошқа охириги қурилмани ўрнатиш ариза берилиб тегишли тўловлар амалга оширилгач амалга оширилади.

4.7. Агар абонент тўланиши лозим бўлган пул миқдорига, сўзлашув вақти ва бу сўзлашув унинг телефонга тегишли эканлигига норози бўлса, у ҳисоб варағини олгандан сўнг 30 кун давомида раддия ёзиши мумкин. 30 кундан сўнг эътирозлар қабул қилинмайди. Текширув натижалари Абонентни қаноатлантормаса судга мурожаат қилиши мумкин.

4.8. Ушбу шартноманинг 4.8-банди бўйича текширув ўтказилаётганда телефон шаҳарлараро ва халқаро сўзлашувларга чиқиш коди(8)сиз ишлатиб қўйилади.

4.9. Ҳар ойнинг 1-чи куни ҳолатида дебитор қарздорлик мавжуд бўлса, «Оператор» қарздорлик суммасининг 0,1% миқдоридида тўловнинг ҳар бир кечиктирилган куни учун, бу қарздорлик тўлик ундириб олингунча қадар пеня ҳисоблайди.

4.10. Абонентнинг айби билан телефон ёки бошқа охириги қурилма ишламаган пайтда улардан фойдаланиш бўйича абонент тўловлари тўлик миқдорда ундириб олинади.

4.11. Халқаро ва шаҳарлараро автоматик телефон алоқасидан фойдаланилганда, тўланиши лозим бўлган сўзлашув вақти сўзлашув бошланган вақтдан ҳисобга олинади. Телефонга уланган бирор бир техник ускуна (факс, автоматик жавоб берувчи, рақамни аниқловчи ва ҳоказолар) билан сўзлашув амалга оширилганда тўланиши лозим бўлган сўзлашув вақти ана шу ускуналар ишга тушган пайтдан бошлаб ҳисобга олинади.

5. НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ЭТИШ ТАРТИБИ

5.1. Низоларни ҳал этиш чоғида томонлар ўзаро келишувга биноан иш тутадилар.

5.2. Томонлар ўзаро келиша олмаган ҳолларда, низолар Хўжалик судида ҳал этилади.

6. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

6.1. Ушбу шартнома шартларини томонлар бажармаган тақдирда уларнинг масъулияти Ўзбекистон Республикасининг «Фуқаролик Кодекси», «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида»ги, «Телекоммуникациялар тўғрисида»ги қонушлари, «Умумий фойдаланишдаги телекоммуникация тармоқларида телефон алоқаси хизматларини кўрсатиш қоидалари» ва Ўзбекистон Республикасининг бошқа бир қатор амалдаги қонушчилик ҳужжатларига мувофиқ томонларнинг жавобгарликлари кўриб чиқилади.

7. ФОРС-МАЖОР

7.1. Томонларнинг хоҳиш-истагига мутлақо боғлиқ бўлмаган ҳолларда (табiiий офатлар, ноқулай об-ҳаво шароитлари, ҳукумат чора-тадбирлари, ҳокимият идоралари қарорлари, ҳарбий тўқнашувлар, ички тартибсизликлар ва бошқа ҳолатларда) томонларнинг ўз мажбуриятларини бажармасликлари ушбу шартномани ижро этиш бўйичан ҲББ

хисобланмайди, томонларнинг шартномани бажариш муддатлари юқорида кўрсатиб ўтилган ҳолатлар бартараф этиб бўлингунга қадар кейинга сурилади.
7.2. Форс-мажор ҳолатларига таяниб иш кўрувчи томон ваколатли давлат органининг тасдиқланган тегишли ҳужжатини тақдим этиши керак.

8. ШАРТНОМАГА ЎЗГАРТИРИШ ВА ҚЎШИМЧАЛАР КИРИТИШ

8.1. Шартномага ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш томонларнинг розилигига кўра қўшимча Битимни расмийлаштириш йўли билан амалга оширилади. Шартномага ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақидаги Битим у ёзма шаклда бўлгандагина ва томонлар уни имзолаганларидагина ҳаққонийдир. Томонларнинг шартнома шартларига киритган қўшимча ва ўзгартиришлари унинг ажралмас қисми бўлиб ҳисобланади, улар албатта инобатга олиниши зарур.
8.2. Шартнома қонунчилик ўзгарганда, «Қоидалар»да ва Ўзбекистон Республикасининг қонунчилик ҳужжатларида белгилаб берилган бошқа ҳолларда қайта тузилиши ёки ўзгартирилиши мумкин.

9. ШАРТНОМАНИНГ АМАЛ ҚИЛИШ МУДДАТИ

9.1. Шартнома Ҳазначилиқдан рўйхатдан утгандан кейин кучга киради ва 2022 йил 31 ая гача амалда бўлади.
9.2. Шартнома муддатидан олдин қуйидаги ҳолларда бекор қилиниши мумкин:
- томонларнинг келишувига мувофиқ;
- томонлардан бири шартнома шартларини бажармаган тақдирда;
Ўзбекистон Республикаси қонунчилик ҳужжатларида белгиланган бошқа ҳолларда.
9.3. Мазкур шартнома уч нусxada тузилган бўлиб, бир хил юридик кучга эга бўлиб ҳисобланади ва томонларнинг ҳар бири учун бир нусхадан бериллади.

10. ТОМОНЛАРНИНГ ЮРИДИК МАНЗИЛЛАРИ ВА БАНК РЕКВИЗИТЛАРИ

"Ижрочи"
Филиал «Кашкадарья» АК «ЎзТелеком»
(етказиб берувчининг (пудратчининг) номи)

Манзил: г.Камаш, Камаш 98 уй

Тел./факс 532 46 06 532 48 53

(х/в ёки ш/х) 20210000704074838361
Банк номи Карши,ш, АТ Алока банк Кашкадаре филиали

МФО 00401
ИНН 203366731
ИФУТ 53200

"Буюртмачи"
Ҳушнинг ҚББ
(буюртмачи номи)

Манзил: А Ташкент уйи

Тел./факс ш/х* 20020002207042007507

Ташкилотнинг СТИРи 20020073

ИФУТ 94700
Ҳазначилик бўлинимасининг номи
М.В. Ҳазначилик
ЯҲХ23 402 000 300 100 001 010
Банк номи: Марказий банкнинг
Тошкент шаҳар Бонн бошқармаси
Ҳисоб-китоб-касса маркази (ХККМ)
МФО.00014

Ҳазначилик бўлинимасининг
ИИРи 20122919
Буюртмачи
Н. Фараева
(лавоҳи) (Ф.И.О.)

Раҳбар А. Бердимуродов
(лавоҳи) (Ф.И.О.)



«Ўзбекистон Республикаси» АК Кашкадарё филиали ҳамда _____ ташкилоти уртасида жами: _____ суммасида тузилган алоқа хизмати курсатиш буйича 2022 йил _____ даги тузилган шартнома Ўзбекистон Республикаси «Хужалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси туриси» даги Қонун ва Фуқаролик кодекси талаблари асосида тузилган. Шартнома талаблари Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунлари ва қонунларига жавоб беради. Шартнома мажбуриятлари бузиш ҳолатлари буйича жавобгарлик ва инзоларни хал этиш чоралари амалдаги қонун ҳужжатлари талабларига жавоб беради.
Хуқуқшунос: _____

